YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 22-avgust, shanba

№103 (5323)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Энди «VATAN» журналини Америкадаги ватандошларимиз ҳам ўқишади



АҚШнинг Филадельфия шаҳрида фаолият юритаётган «Vatan Global Alliance» жамоат ташкилоти ва «Ватан» журнали ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Унга кўра, энди АҚШда яшаётган юртдошларимиз «Vatan» журналининг ҳар бир сонини ўқиш имкониятига эга бўлишади. Бу хабар океан ортида истиқомат қилаётган ватандошларимиз учун қувончли воқеага айланди. Зеро, Ватандан узоқда яшаган инсон учун юрт нафасини, ундаги янгиликлар ва миллий ҳаётни акс эттирган нашрни қўлга олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ҳақда батафсил ishonch.uz сайтидан ушбу ҳавола орқали маълумот олинг

«Ishonch»нинг телеграмдаги саҳифасида тадбир видеолавҳасини кўринг:

Тақдимот

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА АҚШДА ҲАМ ҚИЗИҚИШ КАТТА

Америка Қўшма Штатларининг Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида Янги Ўзбекистон асосчиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятига бағишланган «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот ўз тақдирини океанорти ўлкаси билан боғлаган, бугун турли хизмат вазифаларида меҳнат қилаётган оддий юртдошларимиз, «Ўзбекистон» сўзини юрагида меҳр-ла олиб юрган ватандошлар қизиқиш ва хоҳишлари асносида АҚШдаги «Vatan Global Alliance» жамоат ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фурқат Сиддиқов, Олий Мажлис Сенати аъзолари Абдусаид Кўчимов ва Ҳусан Эрматов, Америкада истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ватандошлар, талаба-ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирларда яна бир бор айтиб ўтилганидек, жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётган мазкур китобда акс этган асосий ғоялар, энг аввало, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ҳамда ортга қайтмас ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган.

Тақдимотларда кўп йиллардан буён АҚШда истиқомат қилаётган юртдошларимиз Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

Қайд этиш жоизки, бу муаллифнинг АҚШда тақдимоти бўлиб ўтган иккинчи китоби. 2025 йил август ойида Қудратилла Рафиқовнинг инглиз тилида чоп этилган «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг тақдимоти Вашингтон шаҳрида, АҚШ конгресси биносида, сўнг БМТ бош қароргоҳида 50 дан зиёд мамлакатнинг мазкур ташкилотдаги вакиллари иштирокида бўлиб ўтганди.

Ўз мухбиримиз

Мазкур китоб тақдимотига бағишлаб «O‘zbekiston-24» телеканалида эфирга узатилган кўрсатувни ушбу ҳавола орқали томоша қилинг:



Қувончбек ТЎРАЕВ олган сурат

Ишончнома асосида ходимни ишдан бўшатиш мумкинми?



Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Бўстонликда қуввати юқори бўлган шамол электр станцияси ишга тушди



Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Эътибор

Болажонлар қувончи

Янги ўқув йили арафасида Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига қувонч улашилди.

Касаба уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган хайрия акцияси доирасида болаларга мактаб сумкалари, зарур ўқув қуроллари ва дарсликлар тўплами топширилди. Эътиборлиси, ушбу ташаббус орқали нафақат янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалий кўмак кўрсатилди, балки тиббиёт ходимлари ва уларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўғил-қизлар юз-кўзидаги қувонч, ота-оналарнинг самимий миннатдорлиги тадбирнинг энг муносиб баҳоси бўлди. Бундай хайрли ишлар юртимизда меҳр-эътибор ва инсон қадри устувор эканини яна бир бор намоён этади.

Маржона ҲАЙИТБОЕВА





ХАТИРЧИНИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

Яқин-яқингача Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ва Навоий вилоятининг Хатирчи туманини боғлайдиган чегара ҳудуд – халқ тилидаги «Пост ГАИ» олдидаги қаровсиз ва ташландиқ жой ҳамманинг таъбини хира қиларди. Бу хунук манзара маҳаллий аҳолини қўя туринг, хориждан келган меҳмонларнинг Хатирчи туманидаги «Ангидон», «Лангар» каби обод ва туристик манзиллар, тарихий маконлар тўғрисидаги ижобий фикрларига ҳам соя соларди. Бугун эса бу ҳудуд гўзал манзара касб этган.

* * *

Кечки соат 22.00. Дарё қирғоғида қад ростлаган «Соҳил бўйи» одамлар билан гавжум. Ёши катта отахонлар, аёллар, ёш-ёш болалар – ҳаммаси салқин ва баҳаво, табиати гўзал дам олиш масканида. Кимдир дўстлари билан шинам тамаддихонада суҳбатлашяпти, биров оиласи билан сув бўйидаги ўриндиқда дам оляпти, яна кимдир баҳаво ва сўлим жойларни айланиб юрибди, кўпчилик ота-оналар эса фарзандлари билан бирга спорт машқларини бажаришяпти. Кеч бўлса ҳам худди кундузидек хурсандчилик – куй-қўшиқлар, дўстлар ва дугоналарнинг ҳангома-ю кулгилари, болаларнинг шодон ўйинлари осмонга ўрлаган. Муҳими, бу шовқин-сурон ҳеч кимнинг тинчини бузмайди. Қайтанга бу ерга келган одам тоза ҳаводан баҳраманд бўлади, ҳордиқ чиқаради.

Ҳа, қаровсиз ва ташландиқ ерда бунёд этилган «Соҳил бўйи» 3-4 ойда обод, серфайз ва саранжон-сариштa гўшага айланди.

– «Соҳил бўйи» ҳордиқ чиқарадиган яхши жой бўлди, – дейди 70 ёшли Қаҳрамон Умаров. – Бу ердан 7-8 километр нарида яшайман. Ҳар куни невараларимни олиб келаман. Улар ўйнайди. Ўзим табиат қўйнида айланаман, танишлар, қадрдонлар билан суҳбатлашаман. Яратилган шароитлардан мамнунмиз.

* * *

Сув шарқираб оқаётган соҳил бўйидаги шинамгина ўриндиққа чўкиб хаёлга чўмасан, киши. Дунёнинг ҳар турли бурчакларида одамлар эшиги эмас, деразаси тирқишидан мўралашга юраги безиллаб, кўрқув ва таҳликада яшаётган бир пайтда мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, аҳоли тўкис ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратилаётгани Президентимиз юритаётган оқилона сиёсатининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

* * *

Хатирчида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари «Соҳил бўйи» дам олиш маскани билан чекланиб қолгани йўқ. Бугун туман катта туризм масканига айланган. Айниқса, энг чекка ҳудуди, тоғлар бағрида жойлашган «Лангар» туризм маҳалласида амалга оширилган ишлар киши ҳайратини оширади. Ички йўлларнинг ҳаммаси миллиард-миллиард сўм маблағлар эвазига янгиланди, 50 га яқин замонавий уй-меҳмонхона қурилди. Узунлиги 800 метрли зиплайн, 200 метрли тюбинг, замонавий ресторан ва селфи зона меҳмонлар хизматида.

«Хатирчи Швейцарияси» таърифини олган «Ангидон» маҳалласининг бетакрор табиати, меҳмонлар ва туристлар учун яратилган шарт-шароитлар эса алоҳида мавзу.

Айтганча, туман марказида бунёд этилган замонавий кутубхона, «Умуммиллий бирдамлик боғи» эса ҳудуд қиёфасини буткул ўзгартирмоқда. Бундан ташқари, Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар, кичик саноат зоналари, янги ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат уйлари аҳоли фаровон ҳаёт кечиришига, муқим иш билан таъминланишига хизмат қилмоқда.

Сирасини айтганда, бугун Хатирчи фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган туман эмас, балки ишлаб чиқариш, саноат ва иқтисоди барқарор ҳудудлардан бирига айланмоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
журналист

Миннатдорлик

МЕН ЙЎЛИМНИ ТОПДИМ

Болалигим бахтли ва қувноқ ўтган. Ота-онамнинг меҳрли бағрида улғайдим. Келажакка катта орзулар билан қарардим. Олий ўқув юртида таҳсил олиб, яхши касб эгаси, элюртга нафим тегадиган инсон бўлишни орзу қилардим. Афсуски, биргина хатойим ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Талаба бўлиш орзусида юрган пайтимда тақдир мени одамлар ҳавас қилмайдиган муассасага олиб кирди. Бу давр мен учун оғир, аммо катта сабоқ бўлди.

У ердан қайтгандан кейин жамиятга қайта мослашиш, одамлар орасида ўз ўрнингни топиш осон эмас экан. Билган, таниган тенгдошларим аллақачон оила қурган, фарзанд тарбиялаётган, ўз йўлини топишганди. Мен эса ҳаётимни қайтадан бошлашимга тўғри келди.

Ана шундай оғир бир пайтда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган ислоҳотлар менинг ҳаётимда ҳам янги саҳифа очди.

Ўрганишлар натижасида «Аёллар дафтари»га киритилдим. Хонадонимизга келган масъуллар муаммоларимни эшитибгина қолмай, амалий ёрдам бериш чораларини ҳам кўришди. Мулоқот давомида қўлимдан тикиш-бичиш келишини, шу касб орқали ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш ва рўзғоримни тебратиш истагим борлигини айтдим.

Ташаббусим қўллаб-қувватланиб, банкдан кредит ажратилди. Ушбу маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилиб, тикувчилик цехи ташкил этдим. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг кўмаги жуда катта бўлди. Уларнинг ёрдами ва саъй-ҳаракати билан ишимни янада ривожлантириш имконига эга бўлдим.

Айни пайтда «ТМ-Қалқон» бренди остида буюртмалар асосида махсус кийим-бошлар ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимизга талаб ортиб боряпти. Ҳозир маҳалламизда ишсиз юрган хотин-қизларга иш ўргатяпман. Улар ҳам мустақил даромад топиб, оилалари фаровонлигини таъминлашяпти.

Бугун ҳаётим, яшашим буткул ўзгарди. Муҳими, бошқаларга ҳам нафим тегаётганидан хурсандман. Бахтни қарангки, ёшликдаги орзуларим амалга ошди. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги нуфузли олий таълим муассасасида таҳсил оляпман.

Ортга назар ташласам, ҳаётимдаги бу катта ўзгаришлар мамлакатимизда инсон манфаати, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат самараси эканини англайман. Бунинг учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдираман. Улар бошлаб берган инсонпарвар ислоҳотлар натижасида мен каби кўплаб аёллар ҳаётда ўз ўрнини топмоқда, меҳнат қилиб, фарзандлар тарбиялаб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Гулбаҳор ТОҲИРОВА
Фарғона вилояти, Риштон тумани

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдай бўлур ўткир.
Абдулла Авлоний

Касаба уюшмаси аралашгач...

Шўрчи тумани «Бахшитепа» маҳалласида яшовчи Нурилло Менглиев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, мурожаат қилиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақи ундиришда амалий ёрдам сўради.

МЕНГЛИЕВНИНГ МАОШИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Маълум бўлишича, Н.Менглиев Шўрчи туманидаги 1-техникумда директорнинг касбий таълим бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келган. Аммо 2025 йил 4 августда Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 3-бандига асосан, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бундан норози бўлган собиқ ходим фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво-ариза киритган. Лекин суд унинг шикоятини рад этган.

Н.Менглиевнинг апелляция шикоятига кўра, иш Сурхондарё вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судида кўрилган ва шикоятчи фойдасига қарор қабул қилинган. Шундан сўнг Н.Менглиев ўз лавозимига қайта тикланган.

Ходим ўша вақтда судга мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақи ундириш масаласини киритмагани боис бу масала муҳокама қилинмаган.


Меҳнат кодексининг 561-моддаси 3-қисмида «Якка тартибдаги меҳнат низосини кўриб чиқаётган суд ходимга мажбурий прогулнинг бутун вақти учун ўртача иш ҳақини ёки энг кам иш ҳақи тўланадиган ишни бажарган бутун вақти учун иш ҳақидаги фарқни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади», деб кўрсатилган.

Техникумнинг 2026 йил 13 апрелдаги маълумотномасига биноан, Н.Менглиевнинг 2025 йил 4 августдан 2026 йил 12 мартга қадар мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақи миқдори 53 миллион 200 минг 312 сўмни ташкил қилади. Шу асосда Денов туманлараро судига даъво аризаси киритдик. Натижада иш берувчидан ходим фойдасига ана шу маблағ ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

* * *

ШИКОЯТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



Сирдарё вилояти «Тоза ҳудуд» давлат муассасаси директорининг абонентлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келган Камолиддин Сулайманов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига ноҳақ ишдан бўшатилгани юзасидан арз қилди.

Мурожаат атрофлича ўрганилиб, ходимга зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ҳамда судда унинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Жараёнда иш берувчи Меҳнат кодексининг бир қатор моддалари ва процедура қоидаларини бузгани асослаб берилди. Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2026 йил 31 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, К.Сулайманов ўз лавозимига тикланди. Шунингдек, иш берувчидан унинг фойдасига мажбурий прогул кунлари учун 36 миллион 219 минг сўм иш ҳақи, 14 миллион сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Хулоса шуки, меҳнат муносабатларида қонун талабларига қатъий риоя этиш иш берувчи учун нафақат бурч, балки молиявий чиқимларнинг олдини олувчи муҳим омилдир.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

ҲАР САҲИФАСИДА ҲАЁТ ИФОРИ



«Аёллар дафтари» – шунчаки рўйхат ёки қуруқ статистика эмас. У сукунатга чўмган хонадонларнинг, ўз кучига бўлган ишончини йўқотган кўнгилларнинг ва меҳнат орқали қайта туғилган умидларнинг жонли дафтаридир.

Норгул Худайбергенованинг қисмати аслида бошқача кечиши ҳам мумкин эди. У комбайн жиловини тутиб, кенг далаларда меҳнат қилишни орзу қиларди. Аммо этикдўз отасининг сўзини икки қилмай, қўлига игна-ип олди. Меҳнатнинг аччиқ-чучугини тотган, тайёр бўлган пойабзалларни бозорда сотган қизчанинг юрагида кун келиб, катта бир орзу куртак ёзди.

2003 йил. Кўримсиз, сувоғи кўчган, қаровсиз бир хона... Аравага ортиб келинган биттагина эски машина, эски стол ва уч нафар умидвор қиз. Хонада ўтиришга тузукроқ жой бўлмаганидан улар навбатма-навбат кийим тикарди. Биринчи иш куни ойнадан ташқарини кузатиб турган Норгул мато кўтариб ўтиб бораётган аёлни кўриб қолди-ю ташқарига югурди: «Кўйлак тиктирасизми? Юринг, цехимиз бор!». Ўша куни кечаси билан мижознинг бичимини чиқарди. Аёлнинг эгнидаги либос ва унинг юзидаги табассум бўлажак тадбиркор учун илк, энг катта мукофот бўлди.

Бугун «Қирқ қиз Хўжайли» тикувчилик цехида 100 нафардан зиёд аёл меҳнат қилмоқда. 2015 йилдаги илк 35 миллион сўмлик имтиёзли кредит, кейинчалик 100 миллион сўмлик дастгоҳлар ва «Ҳамроҳ» ташкилоти кўмагида очилган янги имкониятлар унинг матонатини юзага чиқарди. Бу ерда «Аёллар дафтари»дан чиқиб, ҳаётда ўз ўрнини топган Умида Исмоилова, Айсулув Нуримбетова, Умидахон Насруллаева ҳамда Маҳлиё Абдуллаева сингари ўнлаб аёллар бор.

– Миллий либослар тикиш осон эмас, бунда Норгул опанинг бой тажрибаси қўл келмоқда, – дейди Умидахон Насруллаева.

Тумандаги «40-овул» фуқаролар йиғинида 2 минг 256 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1 минг 153 нафарини хотин-қиз ташкил этади. Жорий йилда «Аёллар дафтари»га 97 нафар опа-сингил қамраб олинди. Жумладан, дафтарнинг 2-тоифасида рўйхатда турган Насиба Есчанова 33 миллион сўм кредит ҳисобига ўз уйида гўзаллик салони очди. Ушбу маблағни узиб, яна 100 миллион сўмлик кредит эвазига ишини кенгайтирди ва 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Хўжайлининг «Парвоз» маҳалласида ҳам ибратли ҳаёт йўлларига эга инсонлар кўп. Улбосин Матмуратова маҳалласидаги аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида 2017 йилда «Хурлиман» миллий кийимлар цехига асос солиб, оддий келин кўйлаги тикишдан иш бошлаган эди. 2022 йилда тўқув дастгоҳи харид қилди.

Цех ёнида бўй чўзган қадимий қорақалпоқ қора уйи (ўтов) бугун ҳақиқий маданий масканга айланган. Қорақалпоқ, қозоқ ва ўзбек миллий либослари, жумладан, кийимшак, қамажай, шунингдек, қадимий нақшлар, қуроқ кўрпачалар, бешик ва аламўйноқ дутор каби тарихий экспонатлар хорижлик сайёҳларни ҳайратга солмоқда. Шогирдлари ҳамда фарзандлари Рамазан ва Хурлиман Ерназаровалар билан «Хурлиман» бренди остида тикилаётган нақшинкор либослар бугун Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа қардош элларда харидоргир.

Шунга ўхшаш манзарани Амударёнинг «Чойкўл» овул фуқаролар йиғинида кўриш мумкин. «Аёллар дафтари»га рўйхатга киритиб, касбий сертификат олгач, дастлаб 14 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига иккита тикув машинаси харид қилган Саида Есенбаеванинг меҳнатида ҳам миллийлик, ҳам миллатлараро тотувлик мужассам. У қарийб 3 йилдан буён 15 нафар маҳалладош хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, яна 12 нафарига ҳунар ўргатиб келмоқда.

– Олдин машинамиз бузилса, ишимиз тўхтаб қоларди. Ҳозирда замонавий дастгоҳларда ишлаяпмиз, – дейди Саида. – «Аёллар дафтари» кўмагида ўқиб, сертификат олдим. Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси томонидан менга 10 та замонавий тикув машинаси ажратилди. Тикувчиликни устозим Гулжон Отажановадан ўрганганман. Илгари оёқ машинасида тика олмасдим, лекин сабр билан ҳаммасини ўзлаштирдим. Ҳозирда шогирдларим Зуҳра Худайбергенова ва Кумушой Юлдашева ишимни муваффақиятли давом эттиришмоқда.

«Чойкўл» ОФЙда 7 минг 123 нафар аҳоли бўлиб, 3 минг 151 нафар хотин-қиздан 142 нафари «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига киритилди. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Сайлихан Муратбаеванинг сўзларига кўра, ажрим ёқасига келиб қолган 11 та оила яраштирилди, 9 нафар хотин-қиз АТ, 5 нафари тадбиркорлик кўникмаларига, 17 нафари тикувчилик йўналиши бўйича ўқитилди ва 3 нафар аёл ҳунармандчилик уюшмасига аъзо бўлди.

Мухтасар айтганда, кўмакка муҳтож аёллар эътибор ва ғамхўрлик натижасида ўз йўлини топиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланмоқда.

Ҳа, «Аёллар дафтари»нинг ҳар бир варағида минглаб ана шундай хотин-қизларнинг гуллаган ҳаёти ва матонати мужассам.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



1211 эшитади...

КРЕДИТ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Пастдарғомлик Зилола Остонова хонадонида чорвачиликни йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаи яратмоқчи эди. Аммо муаммога дуч келди – кредит ололмади.

Турли идораларга қилган мурожаатларидан натижа чиқмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аёллар муаммолари билан шуғулланувчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди.

Жамоат ташкилоти томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган Зилола Остонованинг мурожаати тегишли мутасаддилар эътиборига ҳавола этилди. Натижа кўп куттирмади. Пастдарғом тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари йўллаган жавоб хатида мурожаат ижобий ҳал этилгани маълум қилинди.

«Бешнайман» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси томонидан Зилола Остонова хонадонидаги шарт-шароит ўрганилди. Шу асосда унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тавсиянома ижро учун ҳудудга бириктирилган тижорат банки бўлимига юборилди. Натижада оиласининг иқтисодий аҳволини яхшилашни мақсад қилган аёлнинг мушкули ариди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ички туризм

ЗАВҚЛИ САЁҲАТЛАР

Тарихий масканларни зиёрат қилиш кишига нафақат яхши кайфият бағишлайди, балки унинг дунёқарашини ҳам бойитади.

Тошкент вилояти спорт бошқармаси томонидан Самарқанд вилоятига уюштирилган саёҳат ҳам ходимларга ана шундай кўтаринки кайфият улашди. Сафар давомида кўҳна ва гўзал манзилнинг тарихий ва замонавий обидалари, зиёратгоҳларида бўлиб, шаҳарнинг ўзига хос муҳити билан танишдилар.

Айтиш керакки, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларга сафарлар уюштириш имконияти кенгайиб бормоқда.

Маълумот ўрнида, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси томонидан 2026 йил бошидан буён 16 та ташкилотдан жами 400 нафардан зиёд ходим саёҳатга юборилди. Йил якунига қадар яна 500 нафарга яқин ишчи-ходимни юртимизнинг диққатга сазовор масканларига юбориш режалаштирилган.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси бош мутахассиси

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Корхонамизда баъзи бўлимлар тугатилаётгани боис штатлар қисқартириляпти. Бундай вазиятда қайси ходимларга кўпроқ имтиёз берилади?

Нигора ҒУЛОМОВА
Навоий вилояти

ШТАТ ҚИСҚАРСА, КИМ КЕТИБ, КИМ ҚОЛИШИ КЕРАК?

ЖАВОБ: Бирон-бир ташкилот ёки корхонада штат қисқартириладиган бўлса, ходимлар билан шартнома хоҳлаганча бекор қилинмайди. Зеро, кимни ишда қолдириш, кимни бўшатишнинг ўз тартиб-қоидаси бор.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 167-моддаси ва Олий суд Пленумининг 26-қарори буни аниқ белгилайди. Унга кўра, биринчи навбатда, малакаси ва меҳнат унумдорлиги бошқаларга нисбатан юқори бўлган ходимлар имтиёзли ҳуқуққа эга. Борди-ю икки ходимнинг малакаси ва натижаси бир хил бўлса, ундан кейин бошқа омиллар (кўп болалилик, ногиронлик ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Иш берувчи қайсидир ходимни қисқартириш туфайли бўшатишдан олдин унинг мутахассислигига мос бошқа иш таклиф қилиши шарт. Акс ҳолда, ходимда тегишли органларга мурожаат йўллаб, ўз вазифасига қайтиш ҳуқуқи бор.

Хуллас, «Штат қисқарди», деган важ иш берувчи хоҳлаган ходимни бўшатиши мумкинлигини англатмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Меҳнат муҳофазаси

ҲАР БИР ХОДИМ БИЛИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳамда мутахассислари учун семинар ташкил этилди. Унда соҳадаги муаммолар ҳамда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

– Меҳнат хавфсизлиги фақат норматив талабларга риоя қилиш билан чекланмаслиги керак. Ҳар бир ходим мавжуд хавф-хатарлар ва улардан ҳимояланиш усулларини билиши зарур, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Жаҳонгир Зокиров. – Шу боис ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва йўл-йўриқ бериш ишларини тизимли равишда ташкил этиш, ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир.
Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади.
Абу Наср Форобий

Таҳлил

ИШОНЧ МАСКАНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ҳужжатини олишга қийналган инсон, узоқ йиллардан бери уйидан чиқолмай қолган бемор, парваришга муҳтож фарзанди сабабли ишлай олмаган она... Улар бугун ўз муаммоси билан «Инсон» марказига келган. Энг муҳими, бу ердан қуруқ маслаҳат билан эмас, ишонч билан қайтишмоқда.
Тошкент вилоятида илк маротаба ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуаси аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига турли хизматларни бир жойда кўрсатиш имконини бермоқда. Бу ерда 5 та тузилма – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси, ҳудудий Ижтимоий инспекция, Нурафшон шаҳри «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ҳамда ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази жойлаштирилган.
Маълум бўлишича, вилоятда 40 мингдан зиёд оила ижтимоий реестрга киритилган. Уларда 160 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. 13 мингдан зиёд оила давлат таъминоти рўйхатида туради. Уларнинг орасида доимий иш жойига эга бўлмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар бор.

МАҲОРАТЛИ ХОДИМ – СИФАТЛИ ХИЗМАТ

– Айни пайтда маҳаллаларда ходимлар уйма-уй юриб, эҳтиёжмандларни аниқлашяпти, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Миразиз Мирсултонов. – Натижада фуқароларга маҳалланинг ўзида 120 дан ортиқ турдаги хизмат кўрсатиляпти. Энг муҳими, муаммолар жойида ўрганилиб, ечими таъминланяпти.

Таҳлилларга кўра, вилоятдаги 883 та маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходимларнинг 170 нафари юқори натижалар кўрсатмоқда. 564 нафар ходимнинг фаолияти ўрта, 152 нафариники эса қониқарсиз, деб баҳоланган. Эндиликда уларнинг касбий маҳоратига қараб тоифаларга ажратиш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Йил охирига қадар 70 нафар ходимни юқори тоифадаги, профессионал хизмат кўрсатувчи мутахассис даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган. Шунингдек, жаҳон тажрибасини ўрганиш учун агентлик томонидан 100 та квота ажратилган ва натижаси юқори бўлган ходимларни малакасини ошириш учун хорижий давлатларга юбориш режалаштирилган.

Дарвоқе, бу соҳада кадрлар масаласи ҳам эътибордан четда эмас. Жорий йилда Чирчиқ давлат педагогика университетининг «Ижтимоий иш» йўналишини 34 нафар илк битирувчи тамомлади. Келгусида уларнинг билим ва кўникмалари соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

Ижтимоий хизматлар тизимида ҳуқуқий ва психологик кўмак ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳудудларда ҳуқуқий маслаҳатчилар фаолияти йўлга қўйилгани натижасида ўтган олти ойда мингга яқин хотин-қизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Қарийб 1,5 минг нафар аёлга психологик кўмак берилди.

Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилаларнинг аъло баҳоларга ўқийдиган фарзандлари ҳам соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Жорий мавсумга қадар 1200 нафардан зиёд ана шундай болалар касаба уюшмалари тасарруфидаги «Афсона», «Геолог», «Ниҳол», «Истиқбол» каби болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди.

«Инсон» марказлари тадбиркорлар учун ҳам ишончли ҳамкорга айланиб бормоқда. Маҳаллаларда ҳақиқий эҳтиёжманд оилалар аниқланиб, рўйхатга олинади. Натижада ҳомийлик маблағлари аниқ манзилга етиб бориши таъминланади. Масалан, ярим йил мобайнида 20 миллиард сўмга яқин ҳомийлик маблағи жалб этилган бўлиб, бугун кўплаб тадбиркорлар ижтимоий хизматлар марказлари билан ҳамкорлик қилишяпти.

ОНА УЧУН – ИМКОНИЯТ, БОЛА УЧУН – ҒАМХЎРЛИК

Ижтимоий хизматларнинг инсон ҳаётига таъсирини ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилаётган ёрдам мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятда 10 йилдан буён парваришга муҳтож бўлиб келаётган ногиронлиги бўлган болалар ҳам бор. Уларнинг асосий парваришчиси, одатда, оналар бўлади. Шу боис кўплаб аёллар ишлаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ёки ҳатто оддий юмушларини бемалол бажариш имкониятидан маҳрум бўлган.

Бугун эса марказда ногиронлиги бўлган болаларга 9 соат давомида қараб туриш хизмати йўлга қўйилган. Пировардида 400 нафарга яқин она меҳнат фаолиятига қайтган.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ – МУАММОГА ЕЧИМ

Нурафшон шаҳар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт маслаҳатчиси Бахтиёр Раҳимовнинг маълум қилишича, 2026 йилнинг олти ойида марказга 72 та ҳуқуқий масала бўйича мурожаат келиб тушган.

Масалан, «Ҳуррият» маҳалласида яшовчи, I гуруҳ ногирони Амина Собированинг мурожаати асосида марҳум турмуш ўртоғига тегишли ўлим ҳақидаги гувоҳнома олиб берилди. Кейинчалик уй-жой бўйича мерос иши расмийлаштирилиб, хонадонни унинг номига ўтказишга амалий ёрдам кўрсатилди.

«Тараққиёт» маҳалласида яшовчи Рада Бернинованинг муаммоси ҳам марказ ёрдамида ҳал бўлди. Суд орқали унинг Ўзбекистонда доимий яшаганлиги факти тасдиқлангач, паспорт расмийлаштирилди. Шундан сўнг икки нафар фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олинди.

Яна бир мурожаат эса Нилуфар Турғуновага тегишли. Тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бор, ижтимоий реестрда қайд этилган фуқарога қўлланилган 4 миллион 120 минг сўмлик маъмурий жарима юзасидан судга шикоят қилишда амалий кўмак берилди. Шу тариқа жарима бекор қилиниб, фуқаро маъмурий жавобгарликдан озод этилди.



* * *

Марказ фаолиятининг энг муҳим натижасини рақамларда эмас, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда кўриш мумкин. Реабилитация машғулотларидан кейин мустақил ҳаракатлана бошлаган инсон учун бу оддий натижа эмас – ҳаётга қайтишнинг ўзи.
– Олти ой аввал микроинсульт бўлгандим. Кундалик реабилитация машғулотлари туфайли соғлиғимда ижобий ўзгаришлар кўп. Марказдагиларга раҳмат, ўзлари бу ерга олиб келиб, яна қайта олиб бориб қўйишади, – дейди нурафшонлик 52 ёшли Ўткир Одилов.
Ўртачирчиқлик Лайло Аҳмедова эса 15 йилдан буён полиартрит билан курашиб келади. У беровнинг ёрдамисиз юролмас эди. Чирчиқ шаҳридаги шифохонага қатнаб даволаниш эса вақт ва маблағ талаб қилган. Марказда муолажа олишни бошлагач, Л.Аҳмедова соғлиғида сезиларли ўзгаришни ҳис этган.
– Зиналардан мустақил тушиб-чиқаётганим, бемалол юришни бошлаётганим мен учун жуда катта бахт, – дейди у.
Дарҳақиқат, «Инсон» марказларида кўрсатилаётган ҳар бир хизмат, берилган ҳар бир маслаҳат, ҳал этилган ҳар бир муаммо кимнингдир ҳаётини енгиллаштирмоқда. Зеро, тараққиётнинг энг катта мезони ҳам инсон қадрининг амалда таъминланишидир.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Ҳуқуқ

Сўнгги йилларда ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларни фақат янги тузилмалар, лавозимлар ёки техник воситалар билан ўлчасак, асл мазмунини торайтирган бўламиз. Зеро, энг катта ўзгариш одамлар билан ишлаш усулида, муаммога муносабатда ва ходимнинг касбий қиёфасида намоён бўлмоқда.

РАҚАМЛАРДА КЎРИНМАС НАТИЖА

ёхуд ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ислоҳотлар самараси нималарда акс этмоқда?

Хусусан, 2021 йилдаги ислоҳотлар профилактика фаолиятини маҳаллага янада яқинлаштирди. Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчилик сабабларини аниқлаш, муаммоларни бевосита жойнинг ўзида ҳал этиш вазифаси белгиланди. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида ташкил этилган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг асосий қуйи бўғинига айланди.

> *Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 январдаги қарори билан уч йилдан буён «қизил» тоифада қолаётган маҳаллаларни ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига бириктириш белгиланди. Оила-турмуш муносабатлари, аёллар ва ёшлар жиноятчилиги омилларини «илмий хулоса – тавсия – натижа» тамойили асосида ўрганиш вазифаси қўйилди.*

Натижада профилактика инспекторининг вазифаси ҳам кенгайди. Энди у нафақат маъмурий ҳужжат расмийлаштирувчи ходим, балки ҳудуддаги хавфларни баҳоловчи, аҳоли билан ҳуқуқий мулоқот ўрнатувчи ва турли ташкилотлар фаолиятини муайян муаммо ечими атрофида мувофиқлаштирувчи мутахассис бўлиши керак.

Бироқ инспекторни барча ижтимоий муаммоларни якка ўзи ҳал қиладиган универсал ходимга айлантириб бўлмайди. Амалиётда ҳар бир вазиятга тайёр жавоб топилавермайди. Бир оиладаги жанжал ташқаридан оддий келишмовчиликдек кўриниши мумкин, аммо унинг ортида узоқ вақт давом этган зўравонлик ва қўрқув яширинган бўлиши эҳтимоли бор. Ўсмирнинг кечаси кўчада юриши назоратсизлик белгисидек туюлади, аслида эса уни уйда ҳеч ким кутмаётган бўлиши мумкин. Ходим ана шундай ҳолатларда кўзга кўринган воқеани қайд этиш билан чекланмай, унинг ортидаги ҳақиқий вазиятни англаши лозим.

Бунинг учун ишонч керак. Одамлар инспекторни қонуний, холис ва махфийликни сақлайдиган ходим сифатида қабул қилса, дардини эртароқ айтади. Оиладаги жанжал, зўравонлик хавфи ёки фарзандининг салбий муҳитга тушиб қолаётгани ҳақидаги маълумот ҳам ўз вақтида етиб келади. Ишонч бўлмаган жойда эса муаммо кўпинча чуқурлашиб, хавфли тус олгандагина маълум бўлади.

Инсонни тинглаш, унинг шаънини ҳурмат қилиш, бир томоннинг гапига асосланиб шошма-шошар хулоса чиқармаслик ва сир сақлаш ходимнинг шахсий фазилатигина эмас. Булар қабул қилинадиган қарорнинг қонунийлиги ва адолатлилигига бевосита таъсир кўрсатадиган касбий талаблардир.

Янги ваколатни эски билим билан самарали амалга ошириб бўлмайди. Шу сабаб профилактика тизимидаги ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш мазмунига ҳам янги талабларни қўйди. 2021 йил 15 апрелдаги Президент қарори билан ИИВ Академиясида бакалавриат ва магистратурани қамраб олган икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Бакалавриатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация фаолияти бўйича мақсадли касбий тайёргарлик йўлга қўйилди.

Таълимнинг ҳақиқий қиймати битирувчининг қонун нормаларини билишидан ташқари мураккаб вазиятда қонуний, асосланган ва инсон қадрини ҳурмат қилган ҳолда қарор қабул қила олишида ҳам намоён бўлади. Курсант ҳудуддаги хавф омилларини ажратиши, далилни тахминдан фарқлаши, ахборотнинг ишончлилигини текшириши, ҳамкор субъектлар ваколатини билиши ва кўрилган чора натижасини баҳолай олиши керак.

Шу боис амалиётга йўналтирилган таълим ҳужжат тузиш машқи билан чекланмайди. Реал хизматда маълумотлар тўлиқ бўлмаслиги, турли манбалар бир-бирига зид келиши, мурожаатчининг баёни эса субъектив бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 январдаги қарори билан уч йилдан буён «қизил» тоифада қолаётган маҳаллаларни ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига бириктириш белгиланди. Оила-турмуш муносабатлари, аёллар ва ёшлар жиноятчилиги омилларини «илмий хулоса – тавсия – натижа» тамойили асосида ўрганиш вазифаси қўйилди. Оила-турмуш муносабатлари, аёллар ва ёшлар жиноятчилиги омилларини «илмий хулоса – тавсия – натижа» тамойили асосида ўрганиш вазифаси қўйилди. Бу Академиянинг ролини янада кенгайтирди. Энди у нафақат кадр тайёрлайдиган таълим муассасаси, балки мураккаб ҳудудий муаммоларга илмий, услубий ва амалий ечим таклиф этадиган билим маркази сифатида ҳам майдонга чиқмоқда.

Мухтасар айтганда, ички ишлар органларидаги ислоҳотларнинг янги босқичи вазифалар сонининг кўпайиши билан эмас, уларни бажариш усулининг ўзгариши билан аҳамиятлидир. Профилактика воқеадан кейин ҳужжат расмийлаштиришдан хавфни барвақт англашга, умумий тадбирдан маҳалланинг аниқ муаммосига, бир идоранинг ҳаракатидан мувофиқлаштирилган ижтимоий-ҳуқуқий ечимга ўтмоқда.

Очилган жиноят ҳисоботда қайд этилади. Олди олинган жиноят эса кўпинча рақамларда кўринмайди. Аммо унинг натижаси – тинч оила, хавфдан ҳимояланган инсон, адашишдан қайтарилган ёш ва давлатга нисбатан сақлаб қолинган ишончда намоён бўлади. Профилактиканинг энг катта ютуғи ҳам ана шунда.

Наргиза АШУРОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

Жараён

ҲАР ЖАБҲАДА ЎЗГАРИШ, ҲАР СОҲАДА ТАРАҚҚИЁТ

Бешариқликлар меҳнаткаш, қатъиятли, янгиликка интиладиган, имконият берилса уни натижага айлантира оладиган инсонлар. Сўнгги ўн йил ичида Бешариқнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди, қулай шароит сабаб хорижлик инвесторлар кириб келди, экспортбоп маҳсулотлар кўпайди, тиббий хизматлар кўлами кенгайди, туризм учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Бугун Бешариққа келган киши аввалги ҳудудни эмас, янги имкониятлар очилаётган, одамлари эртанги кунга ишонч билан қараётган туманни кўради. Равон кўчалар, осмонўпар уй-жойлар, бир-биридан ҳашаматли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ҳайрат-ҳавасингизни оширади. Сирасини айтганда, туманда ҳар куни бир ўзгариш, янгиликлар бўй кўрсатмоқда.

Туманнинг иқтисодий тараққиётига назар ташласак, ўзгаришларнинг кўлами каррасига ошганини кўриш мумкин. Ўтган йили туманда 1 триллион 668 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу аввалги йилга нисбатан 9 фоизга кўп, деганидир.

Қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларнинг салмоғи ҳам анча юқори. 2025 йил якуни билан бу соҳада 3 триллион 250 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Эътиборга молик жиҳати, Фарғона вилояти қуруқ мева экспортининг 30 фоизи туман ҳиссасига тўғри келади.

Ҳар бир ҳудуд ривожида саноат, ишлаб чиқариш салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Бешариқда кейинги йилларда бу борада кўплаб натижалар қайд этилди. Буни туманда 2026 йилнинг тўрт ойи давомида ҳудудий дастурлар доирасида қиймати 20 миллиард сўмлик 23 та саноат лойиҳаси амалга оширилганидан ҳам билиш мумкин.

Бугун ўзгаришлар ҳар жабҳада кўзга ташланмоқда. «Beshariq comfort servis» МЧЖнинг трансформаторлари, «Lola Quality Tex» МЧЖнинг трикотаж маҳсулотлари, «Miolar Textile» МЧЖнинг кийим-кечаклари, «Yasin» корхонасининг юқори қувватли цементи, «Sherwood»нинг мебель маҳсулотлари ташқи бозорларга чиқариляпти.

Бешариқ фахрига айланган «Yasin»нинг ўрни алоҳида. Ушбу корхона бир йилда 1,2 миллион тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, мамлакат ички бозорининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси инсон ҳаётида кўринади. Туманда янги корхоналар ишга тушгани сари иш ўринлари кўпаймоқда. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда текстиль тармоғи муҳим ўрин тутмоқда.

«Sherwood» корхонаси қошида ташкил этилган «KORK» тикувчилик корхонаси бугун ҳудуддаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бирига айланган. Корхонада 100 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Энг муҳими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечаклар ички бозор билан чекланиб қолмай, тўғридан тўғри хорижий бозорларга йўналтириляпти.

Корхона тараққиётида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг амалий кўмаги ҳам муҳим омил бўлди. Кўрсатилган молиявий ёрдам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш имконини берди. Натижада «KORK» нафақат хотин-қизлар бандлигини таъминлаётган, балки Бешариқнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшаётган замонавий корхоналардан бирига айланди.

Бешариқдаги ўзгаришлар фақат иқтисодиёт билан чекланмаётганининг яна бир ёрқин мисоли – бу тиббиёт. Бир вақтлар чекка ҳудуд сифатида қаралган туманда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзи иқтисодий ва ижтимоий драйверлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда 50 дан ортиқ хусусий клиникалар маҳаллий ва қўшни мамлакатлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Туман Тожикистоннинг Конибодом ва Исфара ҳудудларига яқин жойлашгани сабабли қўшни давлатдан даволаниш учун келувчилар сони ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги Бешариқ ўн йил олдинги Бешариқ эмас. Зеро, буни иқтисодий кўрсаткичлар, янги корхоналар, иш ўринлари, сифатли тиббий хизмат, экспорт ҳажми ҳам тасдиқлаб турибди.

Дилафрўз РАҲМОНОВА,
журналист

Ҳожат эмас, ҳаммасини сўзла баён қилмоққа,
бир боқмоқ минг сўздан яхшидир англаганга.

Жалолиддин Румий

Тил сандиғи

БЎРБОЙНИ БИЛАСИЗМИ?

«Бўрбой» («бўрбай», «бўрвай») деган сўзни эшитганмисиз? Бу сўз изоҳли луғатда йўқ, демак, адабий тилда ҳам йўқ, лекин шеваларда бор, шунинг учун «Ўзбек халқ шевалари луғати»га ҳам киритилган.

Ҳўш, «бўрбой» нима? Адабий тилдаги «болдир» билан айнан бир маънога эга, яъни оёқ тиззаси ёки тақимдан то тўпиққача бўлган қисми баъзи шеваларда – «бўрбой» деб аталади. Кимдадир «тақим нима?» деган савол ҳам туғилиши мумкин. «Тақим – оёқнинг тизза ости букиладиган жойи», деб изоҳланган луғатда (ЎТИЛ.II.1981.146). Бу сўз «тақмоқ» феълидан ясалган, мисол: «чавандоз улоқни тақимига босди» ёки «қизнинг сочи тақимига тушади», лекин «тақим» ҳам кейинги пайтларда «узун соч» билан бирга бироз унутилиб бормоқда. «Тўпиқ» сўзи «Девону луғотит-турк»да икки ўринда: «тобіқ сөңўк», яъни «тўпиқ суяги» ва «тобіқ» – човган ўйнаганда човган билан уриладиган тўп», деб тилга олинади. Яъни «тўпиқ»нинг асл маъноси – «копток, тўп, юмалоқ»; болдир суягининг пастки қисми ҳам ён томонга дўмбоқ бўлиб чиқиб тургани учун «тўпиқ» номини олган, мисол: «Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди».

«Болдир» сўзи суякка нисбатан ҳам ишлатилади: «болдир суяги», «сон суяги», лекин «бўрбой» – кўпроқ этга, пайга нисбатан: «Махси тор экан, бўрбойимни сиқди». «Ўзбек халқ шевалари луғати»да Шаҳрисабз шевасидан ушбу мисол келтирилади: «бўрвайимдек келадда ман кўрган илон». Жиззахда эса «бўрбай» деганда «тақим» тушунилар экан: «улоқ човганда бурбайға қисати» (ЎХШЛ.Т.1971.54).

«Болдир»дан фарқли ўлароқ «бўрбой» шевада яна оёқ кийимга нисбатан «кўнж» маъносида ҳам ишлатилади: «бўрбойи узун этик» – «кўнжи узун этик», «бўрбойли ботинка» – «кўнжли ботинка», «бўрбойи калта этик» ва ҳоказо.

«Бўрбой» аслида мўғул тилларидан турк тилларига ўзлашган, деган қараш устувор, чунки «Мўғул тиллари этимологик луғати»да ҳам: «халхача: borbi – «товон пайлари; бурятча: «борбо» – болдир; қалмиқча: «бөрв» – болдир пайлари, тақим», – деб изоҳланган (ЭСМЯ.I.М.2015.98). Шунингдек, XIII аср обидаси, эски мўғул тилида Чингизхон тарихи битилган ва кейинчалик «Мўғулларнинг яширин тарихи» деб номланиб кетган асарнинг 255-параграфида ҳам бу сўзга «болдир» маъносида – «borbï» шаклида дуч келамиз («borbïn-ïyan kinggürü čabčïldusu»).

Бироқ бу сўз фақат мўғул тилида эмас, балки аксарият турк тил ва лаҳжаларида ҳам бўлиб, гарчи тананинг турли аъзоларига нисбатан ишлатилса-да, кўпроқ «пай», яъни «бирлаштирув тўқима» маъносига эга, мисол учун қозоқ ва қирғизларда бу сўз – «борпай» шаклида «чов» маъносида; олтой, ёқут, қўмиқ, нўғай, бошқирд тилларида: «пай», «бирлаштирувчи тўқима», «сон», «тақим» каби маъноларга эга экан. Ҳатто, бу сўз усмонли туркчасининг баъзи шеваларида ҳам бўлиб, «қўлнинг билаги» маъносини билдираркан (ЭСТЯ.II.194). Аммо «Девону луғотит-турк» ёки «Қутадғу билиг» каби манбаларда «бўрбой» сўзи учрамайди.

Алқисса, бу сўзнинг турк тилларида ҳам «бўрбай», «борпай», «порбуй» каби шаклларда мавжудлиги ва кўпроқ «пай» маъносини билдириши ва шаклан ҳам «пай»ни эслатиши, унинг келиб чиқиши мўғулчага эмас, балки олтой ёки прототурк тилидаги қадимги умумий ўзакка бориб тақалиши мумкин, деган фаразга ҳам олиб келади.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

«Ishonch» газетасини узоқ йиллардан буён ўқиб бораман. Нашрда чоп этилаётган ижтимоий-иқтисодий мавзулардаги мақолалардан олган хулосаларим, меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ жиддий чиқишлардан ўрганганларим турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишим учун жуда кўп асқатган. Газетанинг шу йил 16 июль кунги сонида Зуҳриддин Исомиддиновнинг яна бир долзарб мавзудаги «Қаноти ола бўлур...» сарлавҳали мақоласини ўқир эканман, унда баён этилган гаплар дилимдагини ёзишга ундади.

ҚИЛИҒИ ҚОРА БЎЛУР...

Муаллиф қайд этганидек, олақанот, яъни майна одамларнинг ризқига, боғдорчиликка етказаётган зарар жуда катта. Қарангки, бу қуш емайдиган нарсанинг ўзи йўқ экан. Мева-чевами, ҳашароту қурт-қумурсқами, ҳаттоки, ўзидан кичик қушлар – чумчуқ, қалдирғоч, мусичаларни, керак бўлса, уларнинг тухумини ҳам йўқ қилиб, уясини ўзлаштириб олишгача борар экан.

Ўзим қишлоқда олақанотнинг янги соғиб олинган сигир сутини ичганига гувоҳман.

Боғлардаги вазиятга келсак, қайси мева пишиб етилганини биринчи шу қуш еганидан сўнг биласиз. Масалан, баъзан анжирнинг қобиғи қолади, борсангиз ичини тозалаб ўйиб еб қўйган бўлади. Олмага ҳам худди шу тахлитда қирон келтиради. Баъзан меванинг маълум қисмини чўқиб кетиб, ари, қўнғиз каби ҳашаротларга «йўл очиб» беради. Қишлоқларда узум етиштирувчилар ҳам олақанотдан безор. Боя айтганимдек, қайси узумга маза кирганини дарҳол билади.

Бизнинг Андижон вилояти Булоқбоши туманида аксарият хонадонларда узум парвариш қилинади. Қишлоқдошларим узумни майнадан ҳимоя қилиш мақсадида турли нарсалар орқали шовқин чиқариш, расмлар воситасида қўрқитиш, чўзма(рогатка) билан тош отиб ҳуркитиш, ҳар хил дорилар сепиш йўли билан қушни яқинлаштирмаслик каби усулларни қўллашади. Бироқ буларнинг барчаси вақтинчалик чоралар.

Масалан, мен уйимдаги узум валиши устига катта-кичик ҳар хил тасвирлар, хусусан, олти хил кўринишдаги мушук расмини қўйиб чиқдим. Аввалига олақанот мушук расми атрофига икки-уч соатча яқинлашмагани рост. Кейин эса керак бўлса, расм ёнига қўниб олиб, узумга қирон келтиришни бошлади. Бу майна деганлари шунақа айёр, сезгир бўлар экан. Қўлингизда қушларга қарата отишни режалаштирган тошми, кесакми, нимадир борми, хавфни олдиндан, албатта, сезади. Демак, бу қушнинг ўзига яраша ҳисоби, вазиятни ўрганиш амалиёти бор.

Хуллас, ҳаётий кузатувларимдан келиб чиқиб, юқоридаги мақола муаллифининг таклифларини қўллаб-қувватлайман. Умуман, бу қушнинг келтираётган зиёнини жиддий кўриб чиқиш ва майналарни замонавий дронлар ёрдамида йўқ қилиш амалиётини жорий қилиш керак. Ушбу ташаббус жорий этилиб, ҳаётга кенг татбиқ қилинса, ишонинг, боғдорчиликка, узумчиликка анча барака киради.

Маматғози МАМАТОВ,
Булоқбоши тумани ҳокимлиги бош ҳисобчиси

Акс-садо


4

Ishonch

ҚАНОТИ ОЛА БЎЛУР...

БИЗ УНУТАЁТГАН ҚУНУҚ

Маркази Мухлиса мирзаева «ХАЁЛ» нурлари

Спорт

«ОКЕАН»ЧИЛАРДА 2 ТА ОЛТИН ВА 1 ТА КУМУШ МЕДАЛЬ

Наманган шаҳридаги «Океан» сув спорти саройи ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт муассасаси тарбияланувчиси 16 ёшли Зарина Абдусаматова Тошкент вилоятидаги очиқ сувда сузиш бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 7,5 километр ва 5 километр масофада 2 та олтин медални қўлга киритди.

Зарина ушбу натижалари билан Ўзбекистон чемпионатининг ёшлар ўртасида икки карра ғолиби бўлди.

Мусобақада юртимиздан 5 та, Қирғиз Республикасидан 1 та жамоадан – жами 50 нафар спортчи қатнашди.

Шунингдек, «Океан»нинг яна бир сузувчиси Иброҳим Солиев 10 километр масофада 2-ўрин – кумуш медаль соҳиби бўлди.

Шу кунларда ушбу спортчилар Камил Халилов мураббийлигида ноябрь ойида Тошкентда бўладиган Ўзбекистон кубоги баҳсларига тайёргарлик кўришмоқда.

Айни вақтда замонавий сузиш мажмуасида 9 нафар юқори малакали мураббий қўли остида 152 нафар бола ва ўсмир мунтазам шуғулланмоқда. Тарбияланувчиларнинг 12 нафари Ўзбекистон чемпионлари ҳамда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳисобланади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Мулоҳаза

ОСОН ҚАРЗ ОРТИДАГИ ОҒИР ЮК



Яқинда Марказий банк аҳолининг банклар олдидаги қарздорлиги 231 триллион сўмга етганини маълум қилди. Бу қарздорлик ўтган олти йилда беш баробарга ошган. Хусусан, сўнгги бир йилда аҳолига берилган кредитлар ҳажми 21,2 фоизга ўсган. Регулятор учун энг катта хавф кредитнинг ўзи эмас, балки фуқаронинг уни ўз вақтида қайтариш қобилияти экани таъкидланган.

Ҳа, кейинги йилларда одамлар кредит олишга муккасидан кетгани рост. Аммо қарз олаётганларнинг ҳаммаси ҳам буни ноиложликдан қилишаётгани йўқ.

Тасаввур қилинг, қарз олишга эҳтиёжингиз йўқ. Топаётган маблағингиз кунлик харажатларга етиб турибди. Аммо ижтимоий тармоқлар орқали узатилаётган рекламалар туфайли фикрингиз ўзгариб, гўё кредит олсангиз, ҳаётингиз тубдан ўзгариб кетадигандек туюлади ва шу ишга жазм қилганингизни сезмай ҳам қоласиз. Ёки тўсатдан каттароқ маблағ керак бўлиб қолди. Табиийки, бундай вазиятда ҳам ўша «жарангдор» рекламалар сизни ўзига оҳанрабодек тортади. Кейин нима бўлиши билан эса ишингиз йўқ. Муҳими, бугун керакли пулни топсангиз бўлди.

Аслида молиявий хизмат рекламасининг асосий вазифаси маҳсулотни жозибадор кўрсатишдан иборат. Микроқарз роликларида эса у кўпинча «муаммони ҳозир ҳал қилиш» ғояси орқали яратилади. Масалан, одамларга «Пул ҳозир керакми?», «Бир неча дақиқада олинг», «Ортиқча ҳужжатларсиз», «Қулай ва тез», «Истаган мақсадингиз учун» каби иборалар кучли таъсир қилади. Шу боис улар эътибори қарзнинг умумий қийматига эмас, осон қўлга киритилишига қаратилади. Шу тобда инсоннинг онгида «қарз» эмас, «имконият» образи пайдо бўлади. У пулни бугун олишни, уни қайтариш эса келажакдаги масала эканини тусмоллайди.

Психологик жиҳатдан бу жуда муҳим фарқ. Чунки инсон ҳозирги эҳтиёжни келажакдаги молиявий мажбуриятдан устун қўйиши мумкин.

Бугун микроқарз олиш бир неча дақиқалик иш бўлиши мумкин. Аммо уни қайтариш жараёни бир неча ой давом этади. Шунинг учун ҳар бир инсон рекламага эмас, ўз имкониятига қараб қарор қилиши керак. Қарз олишдан олдин одам ўзига учта савол беришнинг ўзи кўп муаммонинг олдини олиши мумкин: «Бу пул менга ҳақиқатан ҳам, зарурми?», «Уни янги қарз олмасдан қайтара оламанми?», «Жами қанча пул қайтаришим керак?». Агар бу саволларга аниқ жавоб бўлмаса, «бир неча дақиқада пул» деган таклифни қабул қилишга шошилмаслик лозим. Чунки реклама инсонга пулнинг қанчалик осон олинишини кўрсатади. Аммо қарзни қайтариш қанчалик қийин эканини инсон ўз танасидан ўтказгач, англаб етади.

> ***Қарзнинг иқтисодий оқибати – оила бюджетидан бошланади. Микроқарз бир қарашда шахсий молиявий масаладек туюлади. Аммо қарз юки ортиши бутун оила иқтисодиётига таъсир қилиши мумкин. Оила даромадининг маълум қисми қарз тўловига кетса, озиқ-овқат, таълим, тиббий хизмат, уй-жой ва бошқа зарур харажатларга маблағ камаяди.***

Тўғри, ҳозирги замонда кредит ёки микроқарз олишни мутлақо нотўғри деб бўлмайди. Агар олинган маблағ тўғри мақсадда ишлатилса, нур устига нур. Аммо у шунчаки енгил-елпи орзу-ҳавас йўлида сарфланса, бундан ёмони йўқ. Демак, ҳар ким бу ишга онгли равишда қўл уриши жоиз. Бунинг учун эса унинг молиявий саводхонлиги етарли бўлиши керак. Акс ҳолда, қарз гирдобига кириб кетиши ҳеч гап эмас.

Биринчи микроқарз, одатда, катта муаммо бўлиб кўринмаслиги мумкин. Масалан, оилада кутилмаган харажат пайдо бўлди. Инсон маблағ топиш учун микроқарз олди. Кейин ойликдан қайтарди. Бироқ кейин яна бошқа эҳтиёж пайдо бўлади. Табиийки, бу сафар ҳам у «тез ва осон» қарз олиш ҳақида ўйлай бошлайди. Шу тариқа қарз олиш фавқулодда чорадан одатий молиявий воситага айланиб қолади. Энг хавфли нуқта эса инсон ўз даромади билан эмас, янги қарз билан аввалги қарзини ёпа бошлаганида пайдо бўлади. Бир қарзни иккинчи қарз билан ёпиш эса қарз ботқоғига ботишнинг бошланиши.

Рекламада маҳсулот бир неча сония давомида кўрсатилади. Аммо инсоннинг ўша реклама таъсирида қабул қилган қарори ойлар ёки йиллар давомида унинг бюджетига таъсир қилиши мумкин.

Телефон, кийим ёки маиший техника рекламасида нотўғри қарорнинг зарари кўпинча ўша маҳсулот билан чекланади. Молиявий хизматда эса нотўғри қарор инсоннинг келажакдаги даромадини ҳам мажбуриятга боғлаб қўяди. Шу боис бундай рекламаларда «тез», «осон», «қулай» деган сўзлар билан бир қаторда, «фоиз», «жами қайтариладиган сумма», «тўлов муддати» ва «кечиктириш оқибатлари» каби маълумотлар ҳам инсонга тушунарли тарзда етказилиши жоиз. Афсуски, аксар банклар бу қоидага амал қилишмаяпти.

Хусусан, Рақобат қўмитаси 2026 йил июль ойида молиявий хизматлар рекламаси бўйича мониторинглар натижасида 20 дан ортиқ банк ва микромолия ташкилотига реклама қонунчилиги талабларини бузгани учун жарималар қўлланганини маълум қилди. Қўмита айрим рекламаларда кредит фоизлари, муддатлар, қўшимча тўловлар, комиссия ва суғурта харажатлари каби муҳим маълумотлар йўқлиги ёки тушунарсиз берилганини қайд этган.

Демак, масала фақат «реклама кўп»лигида эмас, аксинча, уларда инсонга қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот тўлиқ ва тушунарли берилмаётганида.

Қарзнинг иқтисодий оқибати – оила бюджетидан бошланади. Микроқарз бир қарашда шахсий молиявий масаладек туюлади. Аммо қарз юки ортиши бутун оила иқтисодиётига таъсир қилиши мумкин. Оила даромадининг маълум қисми қарз тўловига кетса, озиқ-овқат, таълим, тиббий хизмат, уй-жой ва бошқа зарур харажатларга маблағ камаяди.

Бир неча қарз бир вақтда тўланса, бу босим янада кучаяди. Натижада даромад – кундалик харажат – қарз тўлови – маблағ етишмаслиги – янги қарз деган доира пайдо бўлади. Ундан чиқиб кетиш эса амримаҳол. Иқтисодий муаммолар бора-бора ижтимоий ва психологик муаммога айланади. Доимий қарздорлик инсонда хавотир, тушкунлик, оилавий келишмовчилик ва келажакка ишончсизликни кучайтириши мумкин. Шу боис экранлардаги чақирувларга ишониб эргашиб кетиш ақлли одамнинг иши эмас.

Хуллас, рекламадаги бир дақиқалик қарор йиллаб давом этадиган мажбурият бўлишини унутмаслик даркор. Бугун қўлга кирган осон пул эртага оила бюджетини, инсон хотиржамлигини, ҳатто, келажак режаларини чеклаб қўймаслиги лозим.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»



MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o’rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G‘ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 18:40
Topshirildi – 19:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta
Shundan: 6 521 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-811**
1 2 3 4 5 6